

АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА РЕНТАБЕЛЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.

Шаназарова Нилуфар Баратовна

Тошкент давлат транспорт университети

Сардарова Меҳрибан Нагҳи гизи

Озарбайжан педагогика университети

mehribanserdarova@mail.ru

Аннотация. Ушбу илмий мақола автомобил транспорти корхоналарининг иқтисодий, молиявий натижалари, унинг шаклланиши, ҳамда автотранспорт корхоналарида рентабелликни аниқлашга қаратилган.

Калит сўзлар: фойда, даромад, ишлаб чиқариш рентабеллиги, автомобил транспорти корхоналари, харажатларни бошқариш, даромадни оптималлаштириш.

Автомобил транспорти миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини боғловчиси сифатида намоён бўлади. Автомобил транспорти корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёни – аҳоли ва корхоналарга сифатли хизмат кўрсатишдан иборат. Ишлаб чиқариш натижасидан кўзда тутилган асосий мақсад - автомобиль ва шаҳар электр транспортида шаҳар ҳамда шаҳар атрофи йўналишларида йўловчиларни мунтазам ташишни амалга оширувчи умумий фойдаланишдаги транспорт ташкилотларининг рентабел фаолиятини таъминлашдир. Шу мақсадда транспорт корхоналари бажарган транспорт ишлари, яъни йўналишларга зарур миқдордаги ва тегишли турдаги транспорт воситаларини жалб қилиш эвазига оладиган даромадларни шакллантириш механизмини ишлаб чиқиши зарур. Даромадлар ташиш харажатларини тўлиқ қоплаши ҳамда ташувчининг иқтисодий барқарор фаолият юритиши учун етарли бўлган фойда олиш имкониятини таъминлаши лозим. Барқарор иқтисодий фаолият деганда автомобил транспорти хизматларини кўрсатувчи ташкилот молиявий фаолиятини таҳлил қилиш назарияси талабларига, шунингдек уни белгиловчи иқтисодий кўрсаткичлар қийматларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ молиявий барқарорликка эга

бўлиши тушунилади. Шу билан бирга, бундай фаолият ташишларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек ҳисоб-китоб рақамида доимий равишда зарур миқдордаги пул маблағларини сақлаб туришга имкон берувчи рентабеллик даражасини ҳам назарда тутати. **Молиявий барқарорлик коэффиценти** - корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш даражасини ва ташқи қарзларга қарамлигини ўлчовчи муҳим кўрсаткичдир. У корхонанинг тўлов қобилияти ва узоқ муддатли молиявий мустақиллигини баҳолашга ёрдам беради. Корхонанинг молиявий барқарорлиги корхона захиралари қай даражада ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётганини ифодалайди. Коэффициентнинг юқори бўлиши корхонанинг молиявий барқарорлиги яхши эканлигини кўрсатади. Молиявий барқарорлик коэффиценти куйидагича топилади:

$$K_{м.б.} = \frac{\check{Y}K - Ya.m.A}{З} \geq 0,6 \quad \text{бу ерда: } \check{Y}K - \text{ўз капитали миқдори, } Ya.m.A - \text{узоқ}$$

муддатли (айланмадан ташқари) активлар, **З** - захиралар; Айланма активларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти :

$$K_{м.б.} = \frac{\check{Y}K - Ya.m.A}{Ай.А} \geq 0,1 \quad \text{бу ерда: } \check{Y}K - \text{ўз капитали миқдори, } Ya.m.A - \text{узоқ}$$

муддатли (айланмадан ташқари) активлар, **Ай.А** — айланма активлар миқдори;

Жорий ликвидлик коэффиценти: $K_{ж.л.} = \frac{\check{Y}K - Ya.m.A}{Ай.А} \geq 0,1$. Корхонанинг

иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритишини таъминлаш - ташишларнинг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлашга, ҳисоб-китоб рақамида доимий равишда зарур миқдордаги пул маблағларини сақлаб туришга, шунинг билан бирга корхонанинг соф активлари мунтазам ўсиб боришини таъминлашга имкон берувчи рентабеллик даражаси ҳисобланади. Автотранспорт корхоналари самарадорлигини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткич - рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади, чунки рентабеллик фойдадан фарқли ўлароқ, иқтисодий фаолиятнинг якуний натижасини тўлиқроқ акс эттиради. Рентабелликнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири - **сотишлар рентабеллиги кўрсаткичи** бўлиб, у сотишдан олинган фойданинг (**Ф**) маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларга (одатдаги фаолият турлари

бўйича харажатлар ёки бошқарув харажатларини ҳам ўз ичига олган тўлиқ таннарх)

(X) нисбати сифатида аниқланади, яъни: $R_{\phi} = \frac{\Phi}{X} 100\%$; Кейинги кўрсаткич айланма

рентабеллиги : $R_o = \frac{\Phi}{C} 100\%$; бу ерда Φ - ташкилотнинг солиқ тўлангунга қадар

бўлган фойдаси; C - сотишдан тушган тушум (одатдаги фаолият турлари бўйича

даромадлар). Корхонанинг молиявий барқарорлигига эришиш учун, юқорида кўриб

чиқилган коэффициентлар белгиланган меъёрий қийматларга мувофиқлиги

таъминланиши зарур. Корхона баланс тузилмаси ташиш жараёнини ташкил этиш ва

технологиясини такомиллаштириш, хўжалик фаолияти ҳамда молиявий оқимларни

бошқариш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали

шакллантирилиши назарда тутилади. Бунда даромадларни ошириш ва харажатларни

камайтириш йўллари аниқланиши, шунингдек истиқбол учун прогноз баланси

тузилиши лозим. Прогноз баланс варианты баланс тузилмасини яхшилаши лозим

бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кутилаётган баланс асосида тузилади.

Ушбу баланснинг моддалари келгуси йилда режалаштирилган оперatsияларни

инобатга олган ҳолда кўпайтирилади ёки камайтирилади. Автотранспорт

корхоналари (АК) учун моддий ресурслар захираларининг қуйидаги ўртача

статистик меъёрлари тавсия этилади:

- ёқилғи — **3–5 кун**;
- мойлаш ва артиш материаллари — **20 кунгача**;
- эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар — **15–20 кун**;
- таъмирлаш материаллари — **60–70 кун**;
- асбоб-ускуналар — **250 кун**;
- махсус кийим-бош — **125 кун**;
- шиналар — **30 кун**.

Автотранспорт корхоналари ҳар бир турдаги материаллар бўйича ишлаб

чиқариш захиралари меъёрларига риоя қилишга интилишлари лозим. Прогноз

балансида захираларнинг меъёрий миқдори ҳар бир турдаги материалларнинг

ўртача кунлик сарфи билан юқорида кўрсатилган моддий ресурслар захираларининг тавсия этилган кунлик меъёрларини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Фаолиятнинг асосий тури бўйича юк автотранспорт корхоналари самарадорлигини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткич рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланади, чунки рентабеллик фойдадан фарқли ўлароқ, иқтисодий фаолиятнинг якуний натижасини тўлиқроқ акс эттиради, чунки у самаранинг истеъмол қилинган ресурсларга нисбатини кўрсатади. Юк автотранспорт корхонаси харажатларининг рентабеллик кўрсаткичи корхонага нисбатан ички омил бўлиб, бозор шароити ва харажатлар даражасини ҳисобга олган ҳолда, бир томондан, маржинал тарифни белгилашга имкон беради, иккинчидан, бу мавжуд тарифдан келиб чиқиб, мўлжалланган савдо даромадини аниқлаш имконини беради. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабел корхона сифатида қаралади. Рентабеллик корxonанинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағларини техник жиҳозлаш ва хизмат кўрсатиш жиҳозлари нуқтаи назаридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тавсифлайди. Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бироқ рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради. Рентабелликнинг моҳиятини фақат фойда шаклланишини таҳлил қилиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона транспорт маҳсулотини сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабел ҳисобланади. Демак, юк ташиш рентабеллиги корxonанинг умумий баланс фойдасининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати ҳисобланади.

Автомобил транспорти корхоналарининг рентабеллиги ва самарадорлигини тадқиқ қилиш техник ва эксплуатацион кўрсаткичлар, иқтисодий самарадорлик,

ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси каби кенг кўламли жиҳатларни қамраб олади. Ушбу мавзунини қўшимча ўрганиш учун тақдим этилган манбалар билан танишиб чиқиш тавсия этилади, чунки уларда автомобил транспорти корхоналарининг рентабеллиги ва самарадорлиги билан боғлиқ муаммоларни тушуниш ва ҳал қилишда фойдали бўлиши мумкин бўлган катта миқдордаги маълумотлар мавжуд.

Адабиётлар :

1. Бычков В. П. (2006) "Экономика автомобильного транспорта". Москва: Инфра-М,.
2. Волков В. С., Сурхаев Г. М., Магомедов В. К. (2012) "Управление транспортным ресурсом автобусов на линии кольцевого маршрута". Современные проблемы науки и образованиуа, .
3. Маркова С.Н. (2003) Планирование и анализ доходов и прибыли автотранспортного предприятия «Лайт Флэш» // Экономический анализ: теория и практика. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/planirovanie-i-analiz-dohodov-i-pribyli-avtotransportnogo-predpriyatiya-layt-flesh> (дата обращения: 26.11.2023).
4. Матанцева О.Ю. Использование математического моделирования для расчета уровня рентабельности, обеспечивающего экономическую устойчивость автотранспортной организatsii. // «Научный вестник автомобильного транспорта». – М.: ОАО «НИИАТ», апрель 2012. – С. 56 – 61.